# УРГУТ ШАҲРИ МАРКАЗИЙ ҚИСМИНИНГ ЛОЙИҲАВИЙ ЕЧИМИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Магистрант-БАҲРОНОВ Б.С.; Илмий раҳбар -доц. БАЛГАЕВ А.Б.

Самарканд давлат архитектура-қурилиш институти

Ургут шаҳри марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳаси «Узшаҳарсозлик ЛИТИ» илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти томонидан 2011 йили бажарилган (лойиҳа бош архитектори Магдиев Б.М.). Шаҳар марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳасининг умумий майдони – 46,4 га ҳудудий эгаллайди. Лойиҳаланаётган ҳудудда яшаётган аҳоли сонини 2,3 минг кишини ташкил этади.

Туман маркази ҳисобланган Ургут шаҳри марказий қисмини батафсил режалаштириш лойиҳасининг ҳудуди Навоий кўчаси бўйлаб Қодирий кўчасидан Машраб кўчасигача бўлган участкани ўз ичига олади. Лойиҳалаш участкасининг умумий узунлиги кундаланг йўналиши бўйича 1327 м ташкил этади. Кенглик йўналиши бўйича ишланмага тушган ҳудуд Навоий кўчаси иморатлар қурилишини кўча ўқидан ҳар бир томонига 170 м масофани ўз ичига олади. Шундай қилиб, лойиҳа ечими бўйича қамраб олинган умумий ҳудуд-46,4 га миқдорни ташкил этади.

Шаҳар марказий қисмининг мавжуд иморатларининг қурилиши мунтазамлик тартибининг бошланғич белгиларига эга. Марказ зонасига тушадиган турар-жой иморатлари 2-қаватли секцияли ва 1-қаватли шахсий уйлардан иборат. Турар-жой иморатларининг қурилишидаги лойиҳавий ташкиллаштириши “маҳалла” тамойили асосланган (1-расм).

Шаҳарнинг жамоат маркази Навоий кўчаси бўйлаб чизиқли равишда жойлашган: Ушбу марказий магистрал кўча Ургут шаҳрини шимолдан жанубга қараб бутун узунлиги бўйлаб кесиб ўтади. Марказ учун лойиҳаланаётган ер майдони Ургутсой канали йўналиши трассасига мос жойлашган бўлиб, унга умумий кўндаланг равишда Навоий кўчаси лойиҳаланаётган участкага киритилган. Ушбу зонада маъмурий ва савдо объектларининг фақат асосийлари, умумий овқатланиш корхоналари ва маданий-маиший хизмат

кўрсатиш объектлари жамланган. Лойиҳаланаётган марказ ҳудудида саноат объектлари, тиббиёт ва ўқув-илмий муассасалари онда-сонда учрайди. Бу объектлар ва муассасалар бир-бири билан алмашагн ҳолда меъёрий узилишларсиз жойлашган бўлиб, ушбу ҳудудда функционал зоналаштириш бутунлай мавжуд эмас.

Умумий фойдаланиш кўкаламзорлар Ургутсой ёқалари бўйлаб тўпланган. Марказ ҳудуди бўйлаб пиёдалар юришига мўлжалланган кўкаламзорлар мавжуд эмас. Лойиҳаланаётган участка чегараси ҳудудидаги умумий фойдаланиш кўкаламзорлар майдони – 3,6 га миқдорни ташкил этади.

Шаҳарнинг марказий қисми чизиқли таркибий тузилмага эга бўлиб, пайдо бўлгандан бери амалда ўзгармаган ва керакли равишда ривожламаган. Лойиҳаланаётган ҳудуддаги шаҳар марказининг ядроси таркибида маъмурий, савдо, маданий-оқартив ва спорт мажмуаларини ўз ичига олади.




1-расм. Ургут шаҳри марказий қисми архитектуравий-режавий тузилиш.

Ургут шаҳри марказий зонасига тушадиган кўчалар тармоғи асосий бўйлама ўқи бўлган ҳамда шаҳарни шимолдан жанубга кесиб ўтадиган магистрал кўчалар асосида ташкил топади. Бунда асосий бўйлама магистрал кўча ҳисобланган Навоий кўчаси ҳамда ушбу участкада кенглик бўйича кесиб ўтадиган Қодирий ва Машраб кўчалари киради. Бошқа кўчалар маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тор кўчалар ҳамда шаҳар марказини ва унинг атроф ҳудудларини транспорт хизмати билан тўлиқ таъминлай олмайдиган турар жой кўчалари киради.

Фойдаланилган адабиётлар:


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори
2. Кадырова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX-начало XXI в.в. (традиции и современность).- Изд.ТАСИ, 2007.-303 стр. с илл.